



Buxoro viloyat
hokimligi

AHMAD IBN HAFS KABIR BUXORIY MEROSI VA UNING ILK SHARQ RENESSANSI HAMDA ISLOM FALSAFASI ILMIY NAZARIY ASOSLARINI YARATISHDAGI O'RNI VA AHAMIYATI

mavzusidagi xalqaro
ilmiy-amaliy anjumani

16-17 iyun Buxoro shahri



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ
МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛҚ ШАРҚ
РЕНЕССАНСИ ҲАМДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
ТЎПЛАМИ**

2022 йил 16-17 июнь

Бухорои шариф – 2022

ота гўри ёки мозори сингари зиёрат жой номларининг учраши ушбу фикрларни тасдиқлайди. Мозор этимологик жиҳатдан араб тилига бориб тақалади ва зиёрат, йўқлаш маъноларини беради. Бу сўз форс-тожик ва туркий тилларда сўзлашувчи этник гуруҳлар орасида кўп учрайди. Араб тилидан маҳаллий лаҳжаларга ўтган қабр ва мақбара атамалари ҳам бир-бирига жуда яқиндир.

Ислом дунёсида мозорлар зиёратгоҳлар, қадамжолар вазифасини ўташи билан бирга кўхна тарихни ўзида сақловчи ашъвий далил сифатида ҳам маълум даражада катта аҳамиятга эгадир. Вафот этганлар, дунёвий ёхуд диний шахс бўлмасин, уларнинг қабри, сағанаси, ва мақбаралари устида қурдирилган мажмуалар ҳамда мақбаралар атрофидаги иморатлар тўплами маълум даврнинг тарихий далили бўла олади. Шулар қатори қабрлар устига йўниланган ва силлиқланган битигли тошлар қўйилиб, уларга ёзув туширилган. Чиройли хуснихат ва араб ёзувининг ажойиб усулларини ўзида мужассам этган ноёб дурдоналар – қабртош битиглар мазкур тошлар ёнида ва ер остида жойлашган қабр соҳиблари тарихини аниқ ва тулиқ курсатишда ёрдам беради. Бундан ташқари, машҳур шахснинг қабри олдида туғ кутарилган, қабрда пайғамбарга тегишли муйи муборак, ҳирқа мавжуд бўлган ёки шунга ўхшаган бирор бир муқаддас буюм қўйилган. Мозор ва қадамжолар билан боғлиқ нақл ва ривоятлар, расм ва русумлар ҳам муайян илмий адабиятга эга.

Зиёратгоҳ халқимизнинг Бухоро шаҳридаги энг серқатнов ва гавжум зиёратгоҳларидан бири сифатида эъозланади, бухороликлар мазкур мозорда дафн қилинишни ўзларига фахр деб билишади.

Мустақиллик шарофатидан Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов саяю ташаббуси туфайли барча табаррук зиёратгоҳлар обод бўлди. Абу Ҳафс Кабир Ал-Бухорий зиёратгоҳи ҳам шулар қаторида қайта қурилиб ҳозирги ҳолатига келтирилди.

Қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари 2009 йилнинг августида бошланди. Абу Ҳафси Кабир Ал-Бухорийнинг қабрлари устида ҳашаматли мақбара қадимий Бухоро услубида барпо қилинди. Намозхонлар ҳамда зиёратчилар учун кириш қисмида замон талабларига жавоб берадиган ҳашаматли гумбазли масжид қурилди. Қурилиш ишлари янги таҳоратхона қурилиши билан 2010 йил сентябрь ойида ниҳоясига етказилди. Зиёратгоҳ қабристондан девор билан ажратилди, боғлар ташкил қилинди ва турли манзарали дарахтлар ўтказилди, шунингдек кўмилиб ётган ҳовуз очилди. Қадимий масжид ички қисми таъмирланди. 2017 йилда эски масжид рўпарасидаги минора айна кўринишида қайта қурилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий “Муъин ал-фуқро”. Тарихи Муллозода. (Бухоро мозорлари зикри) – Т.: Янги аср авлоди. 2009. – 209 б.
2. Ҳусенов С., Ражабова И. Чор Бакр. – Т.: Шарқ. 2001. – Б. 4.

АБУЛҲАСАН ҲУЖВИРИЙ ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФ АНТРОПОЛОГИЯСИ ВА ИНСОН БОРЛИҒИ МУАММОЛАРИ Зубайдилло Ибодиллоевич НАРЗИЕВ

*Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги, фалсафа” кафедраси
доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).*

*“Шарқ тиллари таълими ва бухорийлар меросини ўрганиш” илмий-тадқиқот маркази
аъзоси.*

Фалсафий антропология инсоннинг алоҳида борлиқ манбаи сифатида келиб чиқиши, тадрижий ривожланиши ва мавжудлигининг ўзига хос хусусиятларига доир фалсафий қарашларни акс эттиради. Жаҳон фанида антропологик йўналишдаги фалсафий тадқиқотларнинг таркибий қисми бўлган мазкур илмий ишнинг хулосалари инсонни фақат физиологик, биологик, ижтимоий мавжудот сифатида эмас, балки бутун борлиқни ўзида жам этган илоҳий мавжудот сифатида ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди.

Хужвирий «Кашф ул маҳжуб» асарида антропологик масалаларни долзарб муаммолардан бири сифатида батафсил ва кенгроқ кўриб чиқишга ҳаракат қилган. Унинг тасаввуфий-фалсафий мероси ва ғоялари серқирра бўлиб, ўз даврининг барча фалсафий тушунчалари, таълимотлари ва ғояларини ўз ичига камраб олган. Антропологик қарашларида Хужвирий ўрта аср тафаккури, таълимотлари ғояларини умумлаштириб, инсон муаммосини ислом ва тасаввуф фалсафаси нуқтаи назаридан таҳлил қилган. Бундай ёндашув унинг дунёқарашида ўзига хос тарзда хусусийлик касб этади. Инсоннинг онтологик ва гносеологик масалаларини ечишда муаммони антропологик қарашлар позициясидан ечим топиш кераклиги Хужвирийга хос хусусият бўлиб ҳисобланади.

Мутасаввиф инсонга микрокосмос (кичик олам) нуқтаи назаридан ёндашган. Унинг фикрига кўра, «инсон Аллоҳ томонидан яратилган мавжудлик бўлиб, ҳар бир оламдан бир намунадир. Олам бу икки жаҳондир. Инсонда ҳар икки жаҳоннинг нишони бордир. Бу жаҳоннинг нишони ҳаво, тупроқ, сув ва оловдир. У балғам, қон, сафро ва савдо кўринишида таркиб топгандир»¹. Хужвирий қарашларидан таъсирланган Хожа Муҳаммад Порсо ҳам «Таҳқиқот» асарида инсон муаммосини таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра ҳам, инсон Аллоҳ томонидан яратилган мавжудлик бўлиб, унинг таркиби тўрт унсур: тупроқ, сув, бод (ҳаво), оташ (олов) дан иборат.

Хужвирий ўзининг антропологик қарашларида инсон моҳияти ва ўзлигини англаши устида ўзига хос услубда тадқиқотлар олиб борган. У инсонни маҳжуб, яъни ҳижобланган хилқат деб, унинг моҳияти ва ўзлигини англашида тўсиқлар борлигини қайд этиб, уларга ҳижоблар деб баҳо берган. Шунинг учун ҳам у ўз асарини «Кашф ул маҳжуб» деб номлаган. Мутасаввиф «Кашф ул маҳжуб»да Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифга таяниб, «одамзот ғафлат соясида ўзининг борлигида маҳжубдир. Хусусият борасида эса маъюб – айблидир. Чунончи Худованд таъоло айтади: «Асрга қасамки, инсон хусрон – нуқсонлидир» (Аср, 2). Яна айтган: «Дарҳақиқат, у зулматда ва жаҳолатдадир» (Аҳзоб, 72). Расулulloҳ с.а.в. айтдилар: «Аллоҳ халқ – яратилмишни зулматда яратди, сўнг унга нурни йўллади»,²- каби оятлар ва ҳадислардан мисоллар келтириб, инсонни ғафлатда, хусусиятлар масаласида нуқсонга эғалигига урғу берган. Мутасаввифнинг Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан келтирилган асосларга эътибор берилса, инсон ғафлатда, унинг табиатида ғофилликка мойиллик мавжуд, хусусиятлари ва сифатларида айбли, яъни мукамал эмас, ёруғликдан кўра зулматга, маърифатдан кўра жаҳолатга яқиндир. Демак, инсондаги нуқсонлар (албатта жисмоний эмас – З.Н.), ғофиллик, жаҳолат, илмсизлик, камолотга интилмаслик ва бошқа ҳолатлар ҳижоблар сифатида кўзга ташланмоқда. Айни шу тўсиқларни енгиб ўтиш, бартараф этиш, инсоннинг асл моҳияти ва борлигини ўрганиш учун мутасаввиф асосий мавзу сифатида ҳижобни танлагани шубҳасиздир.

«Ҳижоб»³ тасаввуфнинг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, Ҳақиқатга етиш, Тангри жамолини кўриш, Аллоҳни асл моҳиятини билишга тўсқинлик қиладиган нарса ва ҳодисалардир. Банда Ҳаққа етиши ва ўзининг моҳиятини англаши учун ҳижобларни бартараф этиши зарур. Хужвирийнинг фикрича, инсон ўз моҳиятини, ўзлигини англаши учун шу парда, тўсиқларни очиши лозим акс ҳолда ўзининг моҳияти ва аслиятини англай олмайди.

Мутасаввифнинг ҳижоб ҳақидаги ғояси ислом шариатидан тасаввуфга олиб кирилган. Ҳижоб луғатларда «монелик қилиш, ёпиш, яшириш маъноларини англатувчи «ҳажб» сўзи ўзагидан келиб чиққан бир истилоҳ бўлиб, «парда, икки нарса орасига қўйилувчи тўсиқ, ёпқич» маъносида ишлатилади. Айни шу шариат ва фикрдаги ҳижоб ғоясини Хужвирий тасаввуфга олиб кириб, уни инсон моҳияти билан боғлаган.

¹ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

² Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 11

³ Изох. Ҳижоб – бу асарда тасаввуфий маънода ишлатилган бўлиб, авратни ёпиш учун ишлатиладиган ҳижоб тушунчасидан тубдан фарқ қилади.

Мутасаввиф ҳижоб деганда инсонни Ҳақдан ажратадиган, ўз моҳияти ва ўзлигини ҳалақит берадиган, Ҳақдан бошқа боғланиш мумкин бўлган нарсалар, тўсиқларни тушунган. Жумладан, манбаларда ҳижобга оид шундай фикр қайд этилган:

Тааллуқ ҳижоб асту, беҳосили,
Аз ин бандҳо бигсели восили¹.

Мазмуни:

Ҳижобга тааллуқли бўлсанг ҳосилсизсан,
Бу бандлардан қутулсанг восилсан.

Аллоҳдан ўзга нарсалар: дунёга, молу мулкга, мансабга, обрў-эътиборга, уй-жой, нафс истакларига боғланиш инсоннинг ибодатларини самарасиз қилади. Бу боғланишлардан қутилган кишигина илоҳий нуру файз, қувват олади ва қудратли бўлади. Ҳижобга луғатлар, тасаввуфий, бадий адабиётларда турли таъриф ва тавсифлар берилган.

Ҳижоб – парда, моддий олам билан маънавий олам орасида бўлган нафсоний ва зулмоний пардалар, ҳақиқатни кўришга моне бўладиган ёпқич. Маҳжуб - Ҳақ ва ҳақиқат орасида пардаси бўлган киши «Ҳижоб ва парда фақат нафсдир».

Ҳижоб – ошиқни маъшукдан тўсиб турувчи монеликлар ва сулук йўлида солиқларга юзланадиган тўсиқлар. Бироқ бу тўсиқлар маҳбуб ё муҳиб томонидан эмас, тариқатдаги лозим нарсалардан юзага келади.

Ҳижоб – парда, тўсиқ. Ошиқни маъшукасидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Дунё ва охиратга оид таъма ва ниятлар инсонни Аллоҳдан ажратувчи ҳижоблардир. Нафс майллари ва шулар туфайли туғиладиган катта-кичик гуноҳлар ҳам тўсиб турувчи ҳижоблар ҳисобланади.

Мутасаввифлар ва сўфийлар Ҳақ ва инсон ўртасида тўсиқ бўлган ҳижоблар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ўз асарларида ҳижобларни енгиш, уларни олиб ташлашга оид қатор фикрларни илгари суришган. Илк сўфийлар орасида муҳим бир ўринга эга бўлган Зуннун Мисрий инсон ва Ҳақ орасида турли ҳижобларнинг мавжуд эканлигини, булардан энг ёпиғи ва қалини эса нафс эканлигини қайд этиб ўтган. «Аллоҳ ила қул орасида нурдан ва қоронғуликдан майдонга келган етмиш минг парда бордир»², - дейди Нажмиддин Кубро. Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрат Хожа Нақшбанд» асарида ҳам ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд томонларидан Муҳаммад с.а.в.нинг куйидаги ҳадислари келтирилган: «Инналиллоҳи Таоло сабъина алфа ҳижабун мин нурун ва зулматин», яъни «Аллоҳ Таолонинг нур ва зулматдан етмиш минг ҳижоби бор»³. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, инсоннинг ҳижобларга боғланиб қолиши ўз моҳиятини англашига тўскинлик қилади.

Инсоннинг Ҳақ билан яқинлашишига тўсиқ бўладиган пардалар тасаввуфда зулмоний ва нуроний дея иккига ажратилган. Зулмоний ҳижоб вужудда пайдо бўладиган моддий пардалар дея қайд этилса, нуроний ҳижоблар эса руҳга тегишлидир. Зулмоний пардаларнинг ўрнини нуроний ҳижоблар эгаллаши учун инсон нафсининг ҳолати билан жиддий қизиқиб, таъма, риё, кибр, ҳасадга қарши ботинан кураш эълон қилиши лозим. Ана шунда вужуд ичида руҳ собитликдан эркин ҳаракатга, ундан сайрга ўтиб инсонни кўпдан-кўп ғаройиб ҳодиса ва хаёлий гўзалликларга ошно қилади. Шунда вужуднинг фарқли нарсаларни исташи, фарқли нарсалардан юзага чиқадиган хусусиятларни бир жойга жамлаши тўхтаб, шаҳват ўзининг шаҳватлик, ҳирс ўзининг ҳирслик, ғазаб ўзининг ғазаблик кучини йўқотади.

¹ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳижоб ва уни бартараф этиш хусусида / «Ҳожагон-Нақшбандия тариқатининг жаҳон цивилизация тарихида тутган ўрни» мазусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Бухоро: «Бухоро», 2018. - Б. 32-34

² Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2004. - Б. 259-260.

³ Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳижоб ва уни бартараф этиш хусусида. / «Ҳожагон-Нақшбандия тариқатининг жаҳон цивилизация тарихида тутган ўрни» мазуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Бухоро: «Бухоро», 2018. - Б. 32-34

Ҳужвирий айнан зулмоний ва нуроний ҳижобларни ўзига хос йўналишда тадқиқ этиб, бу ҳижобларни «ҳижоби райн» ва «ҳижоби ғайн» тушунчалари орқали таҳлил этган. Ҳижоблар ҳақида фикр билдириб, уларнинг икки тури борлигига эътибор қаратган ва «Ҳижоб икки хилдир: биринчиси ҳижоби райнӣ дейилади. Иккинчиси ҳижоби ғайнӣ дейилади. Бу қанча тез вужудга келса, шунча яхши»¹, – мазмунидаги фикрни ўртага ташлаб, ҳижоблар ва уларнинг очилиши ҳақидаги мулоҳазаларга махсус тарзда ўрин берган.

Мутасаввифнинг ҳижоби райн ҳақидаги фикрларининг таҳлилида шунга гувоҳ бўлиш мумкинки, бу ҳижоб осонлик билан кашф этилмайди, яъни очилмайди. Яъни бу ҳижоб инсон зотига тегишли бўлиб, моҳият пардаси бўлиб ҳисобланади. Райн ҳижоби икки кўринишга эга бўлиб, қалин ва юпка, оғир ва енгил турларга ажратилган. Ҳужвирий фикрига кўра, райн ҳижоби мавжуд бўлган инсонлар Ҳақ ва ботил, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва шафқатнинг фарқига бормайди. Мазкур ҳижоблар ўртасидаги фарқ мутасаввиф фикрича қуйидагича: «Биринчисининг баёни шуки, бунда банданинг зоти Ҳақнинг ҳижобига айланади, яъни унинг олдида ҳақ ва ботил бир хил бўлиб қолади. Иккинчисининг баёни шуки бунда банданинг сифати Ҳақнинг ҳижобига айланади ва банда борлиги ва боши билан шўнғиб, Ҳақни излайди ва ботилдан қочади.

Ҳужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асарини ёзишининг асл мақсадларидан бири ҳам инсон моҳиятини кашф этишдан, очишдан иборат бўлган. Бу масалада мутасаввиф «...бас, мен бу китобни қалбларга сайқал бериш учун битдим ва буни ўқиганлар ғайнӣ сифатга чулғансинлар ва дилларида Ҳақ нурининг мояси вужудга келсин. Тоқим, буни ўқиганлари баракатидан ўша ҳижоблар очилсин ва маъно ҳақиқатига йўл топилсин. Бутун борлиги Ҳақни инкор қилиш ва ботилга ружуъ кўйиш бўлганлар ҳаргиз бундан Ҳақ шаҳодатига йўл тополмаслар ва бу китобдан уларга ҳеч бир фойда бўлмас»², – деб фикр билдирган. Ва яна бир ўринда китоб ҳақида «Бу китоб Ҳақ йўлининг баёни, ҳақиқат калималарининг шарҳи ва башарият ҳижобининг кашфи бўлиб, бу ном унга лойиқдир»³, – деб таъкид этган.

Бизнинг фикримизча, мутасаввифнинг ҳижоб ҳақидаги ғояси экзистенциал хусусиятга эга бўлиб, экзистенциализм фалсафаси ғояларининг асоси бўлган. Экзистенциализм фалсафаси намоёндаларининг фикрича, инсон жамиятда яшар экан, ўзининг қандайдир ролини бажаради. Бу хилма-хил ниқоблар ортида инсоннинг асл қиёфаси яшириниб ётади. Экзистенциалистлар фикрича, инсоннинг моҳияти доимо сир бўлиб қолаверади ва улар бу масалани бегоналашув тушунчаси орқали изоҳлашга интилишган. Бегоналашувнинг уч тури табиатдан, жамиятдан ва ўз-ўзидан бегоналашув ҳақида фикр билдиришган. Бу масалада Ҳужвирий инсоннинг Ҳақдан ва ўз-ўзидан бегоналашувини назарда тутган. Замонавий фалсафада инсон моҳиятини ўрганишнинг интровертив концепцияси мавжуд. Бу концепцияда инсоннинг онг, жон, руҳият, инстинктлар, нуқсонлар, фазилатлар каби муҳим хусусиятларини таҳлил этиб, уни «ичдан» тушуниш, англаб етишни назарда тутилади. Бунда инсоннинг жисмоний ва маънавий моҳияти ҳақидаги фалсафий мулоҳазалар аксарият ҳолларда табиий фанларнинг эмпирик маълумотларига, авваламбор биология ва психология ютуқларига таянади, лекин баъзан мистика, эзотерика, оккультизм билан белгиланади. Ҳужвирий ҳам интровертив концепция тарафдори эканлигига ҳеч шубҳа йўқ.

Мутасаввиф инсонни ўрганар экан, унга берилган турли таърифлар устида алоҳида тадқиқотлар олиб бориб, бу масалада ўзига хос ихтилофлар борлигини таъкидлаган ва ҳар бир қарашга нисбатан ўзининг мустақил позициясини тақлиф этган. Қадимги ҳинд

¹ Абулҳасан Ҳужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 9

² Абулҳасан Ҳужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 9.

³ Абулҳасан Ҳужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 8

ведаларида ёзилишича, бир бутун яхлит борлиқнинг айрим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган инсон икки йирик моҳият: тана билан жоннинг қоришмасидан иборат. Тана билан жон эса ҳаммаша ўзаро алоқадорликда, бири-иккинчиси билан боғлиқ. Тана инсон жисмининг умумий асосини ташкил этади. Хужвирий айтиши шу фикрга қўшилмаган ҳолда, инсоннинг моҳиятини фақатгина тана ва жондан иборат бўлмаслиги ҳақида фикр юритган ва ўзгача ўзига хос қарашни илгари сурган. Чунончи, мутасаввиф: «...кишилар шу масалада ихтилоф қилдилар. Айримлар айтдилар: «Инсон бу руҳ эмасдир. Бу жасад унинг жавшани ва ҳайкалидир. Унинг маъвоғидир. Унинг биносига инсон табиати ҳалал беролмас, ҳис ва ақл унинг сифатидир». Бу гаплар ботилдир. Жон бу бинодан жудо бўлса, уни барибир инсон дейишади. Жон чиққани билан ўша шахсдан инсон деган номи кетмайди. Жони билан бўлганда у тирик инсон, жон ундан чиққанда ўлик инсон дейилади. Бошқача айтганда, жон ҳайвонлар қолипиди ҳам мавжуддир. Уларни инсон демайдилар. Агар инсониятнинг сабаби жон билан бўлса, ҳар қаердаги жонли нарсани кўрганда уни инсон дейиш керак бўлар эди. Бас, уларнинг гаплари ботил эканлигига далил собит бўлди»¹, - дея фикр билдирган.

Фалсафа тарихидаги таълимотларнинг баъзиларида инсонлик мартабаси руҳ камолоти билан белгиланган. Инсонга нисбатан тана, руҳ ва жон бирлиги сифатида қараш устуворлик касб этган. Хужвирий инсоннинг моҳияти фақатгина тана ва жондан иборат дея эътироф этилган фикрларга қарши чиқиб, юқорида таъкидланганидек, жон мавжуд бўлган ҳар қандай мавжудот инсон номига лойиқ бўлмаслигига далил келтирган. Чунки жон ва тана ўсимлик ва ҳайвонда ҳам мавжуд бўлади. Хужвирийнинг инсон ҳақидаги қарашларида тана ва руҳнинг ўзаро алоқадор, боғлиқ эканлиги ва бири – иккинчисини ўзаро тақозо этиши ва уларнинг борлиги инсон тирикчилигининг асоси эканлиги тўғрисида фикр юритилади. Мутасаввиф тана ва руҳ муаммосини узвий боғлаб уларни биргаликда ҳал қилиш керак, деб ҳисоблаган.

Ислом таълимотида Аллоҳ инсоннинг танасини яратмасдан аввал, руҳни яратди ва сўнгра тана яратилиб, яратилган танага руҳни киритди ва шу аснода инсон бир бутун бўлди. Хужвирий инсон табиатидаги бу икки элементни бир – биридан алоҳида деб талқин этишни нотўғри деб ҳисоблаган ва **инсонга тана ва руҳ бирлиги маҳсули деб таъриф берган**. Шу масалада Хужвирий «...яна айримлар айтдилар: «Бу исм руҳ ва тана бирга бўлгандагина воқеълик касб этади. Агар улар бир-бирларидан айрилсалар, бу ном ҳам ўз-ўзидан соқит бўлади. Чунончи, отда оқ ва қора ранг жам бўлса, уни ола дейдилар. Бу ранглар бир-биридан ажралса, оқ ва қора дейдилар». Бу гаплар ҳам ботилдир. Аллоҳ таъоло айтади: «Ҳақиқатда инсонга, у эсга олинган нарсани бўлмаган бир замон келмадими?» (Инсон, 1.). Ҳали Одам қолипига жон кирмасидан аввал уни инсон, деди»², - мазмунидаги қарашни таҳлил қилган. Хужвирий тана ва руҳ яратилиши, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида қуйидагича: «Руҳнинг пайдо бўлганлиги, яъни муҳдаслиги дурустдир. Шубҳасиз, муҳдас муҳдас учун муҳдас бўлди, яъни пайдо бўлган руҳ пайдо бўлувчи жасад учун пайдо бўлди. Ва руҳ Худой таъолонинг халқ қилган бир жинсидирки, уни иккинчи бир жинсга пайваста қилди. Ва Худой таъоло шу пайвасталик орқали ҳаётни пайдо қилишни тақдир қилди, яъни руҳлар халқ этилган бошқа жинсдир ва жасадлар ҳам бошқа жинсдирки, агар бирон жонзотни ҳаётга келтирмоқни тақдир қилса, фармон беради - руҳ танага пайванд бўлади ва тириклик ҳосил бўлади»³, - деб хулосага келган.

Ислом фалсафасига кўра, инсон ўз шаклига эга бўлганга қадар ноқис, хасис ва афтода (ташландик) ҳолда бўлган. У ўз-ўзича камол даражасига етиши мумкин эмас эди. Узлуксиз мужоҳада ва муолажа (инсон эволюцияси назарда тутилган) уни шу сифатга

¹ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

² Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

³ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 159

олиб келган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Хужвирийнинг фалсафий антропология билан боғлиқ қарашлари бевосита онтологик қарашлари билан алоқадордир. Мутасаввиф тасаввуфий-антрополик қарашларида инсон борлиғи масаласида махсус таҳлиллар олиб борган. Инсоннинг инсонийлигини намоён этувчи ҳисларни ўзида мужассам этган ҳамда инсонни Аллоҳ Таоло яратган бошқа махлуқлардан ажратиб турадиган латиф, нуруний ва билувчи бўлган муҳим бир яратик – бу қалбдир. Тасаввуфий луғатларда қалб-кўнгил, дил, юрак, виждон атамалари орқали изоҳланади.

Инсон қалби масаласи ҳозирги кун фалсафасининг ўрганиш зарур бўлган масаласи ҳисобланади. Мутасаввифлар қалбни асосан икки маънода тушунишган. Биринчиси – кўкрак қафасининг чап томонига жойлаштирилган санавбар дарахти шаклидаги бир бўлак гўшт. Унинг ичи бўшлиқ бўлиб, ана шу бўшлиқда қора қон бор. У руҳнинг булоғи ва маъданидир. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг таъкидлашига кўра, қалбнинг шакли ва кўринишини шарҳлаш табибларнинг иши. Унинг диний-илмий мақсадга тегишли жойи ҳам йўқ. Чунки, шаклга эга бўлган қалб ҳайвонларда ва ўликларда ҳам мавжуд. Машҳур сўфий Рифоий фикрича ҳам, «қалб бир гўшт парчасидир. Айни пайтда қалб нурлар жамланадиган жой эрур»¹. Ва яна Ғаззолий қалбга инсонни англашда асосий тушунча сифатида мурожаат қилган. Шу сабабли, «қалб сезги орқали ҳис қилинмайдиган маъноларни идрок қилиши билан ўзга аъзолардан фарқлидир»², - деб ёзади. Ибн Арабий эса қалбни нафс билан руҳ орасида жой олган жавҳарга ўхшатади.³

Хужвирий таълимотида ҳам қалб тушунчаси ўзига хос тарзда талқин этилган ва қалб бошқа мутасаввифларда бўлгани каби икки маънода ишлатилган десак муболаға бўлмайди. Яъни одам танасида жойлашган юрак – бу моддийлик асоси бўлса, қалб руҳий ҳодиса сифатида тавсифланади. Айнан қалб туфайли одам биологик мавжудот даражасидан ижтимоий мавжудот, яъни инсонга айланади. Қалбга эга бўлган ҳар қандай одам инсон номига лойиқ бўла олмаслиги мумкин. Фикримизча, мутасаввиф қалб ҳамма одамларда бўлишини инкор этган. Масалан, Хужвирий «Кашф ул маҳжуб»да Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Исфохоний ҳақида фикр билдирганда, Исфохонийнинг қалб ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтирган: «Одам Ато замонидан қиёматгача одамлар «Дил, дил» дейдилар. Мен одамлардан «Дил ўзи нима? У қанақа бўлади?» деб сўрайдиган биронта кишини кўрсам дейман, бироқ ҳануз кўрмадим»⁴. Ва мазкур фикрга ўзининг қуйидаги мазмундаги хулосасини ўртага ташлаган: «Авом бир парча гўштни қалб дейди. У нарса ҳаммада девонаю соғда, болаю каттада бўлади. Аммо улардаги қалб эмас. Бас, қалб ўзи нимаки, уни дилдан бошқа сўз билан айтилганини эшитмаймиз. Агар ақлни дил десак, дил эмас, агар руҳни дил десак, дил эмас, агар илмни дил десак у ҳам дил эмас. Бас, Ҳақнинг ҳамма шаҳодатлари қалбда кечади. Уни бошқа сўз билан айтиб бўлмайди»⁵, - деб муносабатини билдирган.

Хужвирийнинг инсон ҳақидаги фикрлари бир қатор мутасаввифларнинг фикрларидан бирмунча фарқ қилади. Мутасаввиф инсон моҳиятини чуқурроқ таҳлил қилиб чиқар экан, қалб инсон моҳиятини белгиламаслигига алоҳида урғу берган. Айни шу жиҳатдан юқорида илгари сурилган фикрларимизнинг исботи сифатида мутасаввифнинг қуйидаги фикрини далил сифатида келтириш мумкин: «.....яна айрим гуруҳлар айтадилар: «Инсон бўлинмас, яхлитдир. Унинг барча сифатларини бошқарувчи жой бу қалбдир». Бу ҳам маҳолдир. Негаки, уни ўлдириб, қалбини суғуриб олган пайтда ҳам у барибир инсон бўлиб қолади. Одам қолипида жонсиз қалб бўлмаслигига ҳамма иттифоқ қилгандир»⁶.

¹ Ҳаққул И. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. - Б. 257.

² Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 44.

³ Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. – Б. 46.

⁴ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 91

⁵ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 91

⁶ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

Исломда қалбнинг уч тури мавжудлиги ҳақида фикр юритилади. Булар салим қалб, касал қалб, ўлик қалблардир. Касал қалб ва ўлик қалблар иллатлидир, лекин инсон вужудида мавжуд. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, қалб инсон борлигидаги мавжудлик сифатида қайси кўринишда бўлмасин, инсон табиатини белгиламайди. Бундан салим қалб мустасно албатта. Зеро, Хужвирийнинг фикрича, Ҳақнинг қалбни яратишидан мақсади инсонни бошқа мавжудотлардан фарқлаш учундир. Мутасаввиф инсон қалби Яратувчи томонидан муайян вазифани бажариш учун яратилгани, инсон танасидаги қалбнинг вазифаси бошқа аъзоларга берилмагани, лекин қалбнинг турлича бўлиши масаласига алоҳида эътибор берган. Бу масалада мутасаввифнинг фикри куйидагича: «...аммо, дилларни яратганда уларнинг ҳар бирига турли вазифаларни тайин қилди. Уларда турли истаклар ва турли ҳою-ҳаволар бордир. Бирови маърифат жойи, бирови залолат ўрни, бири эса қаноат маконидир. Худованд таъолонинг дилларга қилган ишидан ажиброк бошқа аъзоларда зохирроқ иши йўқ»¹.

Маълумки, инсон моддий ва маънавий борлиқдан таркиб топган хилқат деган фикр ҳокимдир. Ҳақиқатда эса инсон уч турли мавжудлик: модда, нафс ва руҳдан бино бўлган. Чунки нафс ва руҳ бошқа-бошқа нарса бўлиб, бир эмас, икки ҳақиқатни тамсил этади. Қуръони Каримда руҳ Оллоҳнинг бир тажаллийси ва амри сифатида зикр қилинган. Инсон руҳи, унинг вужудга келиши, табиати ва моҳияти, ҳақиқати муаммоси ҳақидаги турли фикр ва қарашлар, таълимотлар, назарияларда хилма-хил йўналишларда тадқиқ этиб келинган.

Руҳ инсон танасидаги моддий асос (жисм) эканлиги ҳақидаги қарашлар, ва аксинча маънавий асос сифатида талқин этилган қарашлар шулар жумласидандир. Фалсафий антропологияда инсон асосан биологизм, социологизм ва психологизм концепциялари орқали ўрганилади. Замонавий психологияда руҳ психика тушунчаси билан айнанлаштирилади ва инсон борлигидаги кўплаб сифатлар орқали очиб берилди. Маълумки, руҳ» сўзи маъноси юнонча «пневма»дан олинган бўлиб, инсон гавдасида юрувчи, эфирсимон бир жисмни англатади. Шарқ тасаввуф фалсафасини, энг аввало, руҳ ва руҳоният фалсафаси десак асло муболаға бўлмайди. Чунки бунда руҳ яратиларнинг энг софи ва энг порлоғи. У фақат хайр, фақат гўзаллик учун ҳаракат қилади. Англаниши қийин, ҳатто имконсиз кўринган нарсаларни ҳам руҳ англашга қодир. Ҳайб дунёсига руҳ йўл очади, ҳақиқат аҳлининг кашфи руҳ биландир. Мумтоз шеърятда руҳ ҳақида, руҳнинг хусусият ёки фазилатлари борасида ёзмаган шоирни топиш қийин. Чунки руҳни билиш, руҳоний ҳаёт учун ғамхўрлик қила олишга қадим-қадимдан инсон ўзлигини англаш ва танишнинг туб асоси деб қаралган. Улуғ мутасаввиф Юсуф Ҳамадоний таъкидлаганидек, «Руҳ аслларнинг аслидир. Одам вужуди ва аъзолари руҳ билан тирик. Руҳ борлиги паноҳида бадан кўради, билади, эшитади, ушлайди, юради. Руҳнинг хусусият – фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат, эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади»². Насафий инсоннинг руҳига юксак баҳо беради: «Руҳ жавҳардир, у жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. У табиатга мувофиқ ўсимлик даражасида, ҳаракатга мувофиқ ҳайвон даражасида, ақлга мувофиқ комил инсон даражасида зухур этади»³. Хужжат ул-ислом Муҳаммад Ғаззолий дейдики, «Руҳни кўриб бўлмайди, лекин руҳ бор, у - «ҳастии нестнамой», яъни йўқдай бўлиб туюладиган борлиқдир.

Хужвирий хулулийлик тариқати ғояларини шарҳлаш баробарида руҳ ҳақиқати, унинг моҳияти тўғрисида фикр юритиб ўтган. Мутасаввиф инсонни **тана, руҳ ва нафс** бирлигидан иборат мавжудот сифатида тушуниб: «Иттифоқ қилинган ҳар қандай нарса хилқатда ишончлироқ ва мукамалроқ бўлади. Бас, аҳли муҳаққиқлар наздида инсоннинг

¹ Абулхасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишқӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 80

² Чориев А. Инсон фалсафаси. - Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти». 2007. – Б. 224

³ Нажмиддин Комилов таржимаси. Азизиддин Насафий «Зубдат-ул ҳақоӣйк» (Ҳақиқатлар қаймоғи). - Тошкент: «Камалак», 1995. – Б. 55

таркиби уч маъно билан мукамал бўлади. Биринчиси рух, иккинчиси нафс, учинчиси жасад. Ҳар бир айниятга бир сифат қойим бўлади: рухга ақл, нафсга ҳаво, танага ҳис»¹ - дея, ҳақиқат аҳлининг фикрларини қўллаб-қувватлаган.

Хужвирий инсон танаси нафс ва рух ўртасида аросатда қолишини, мўминнинг руҳи маърифат райҳони, нафси залолат ҳижоби, бандани Худойнинг тоатидан тўсувчи ва қайтарувчи нарса бу итоатсиз нафсдир. Унга қанча қаҳр қилинса, шунча бандалик қилиш осон бўлади. Нафс агар фоний бўлса, унинг озукаси ибодатга айланади. Чунончи, унинг ибодати фаришталарникидан афзал бўлади, дейди. Юқоридагилардан кўринадики, нафс инсонни зиллатга, рух камолга бошлайди. Нафс инсонни Ҳаққа итоат этишдан тўсади, аксинча ўзига итоат эттиришга уринади, шу орқали инсон камолотига тўсик бўлади. Хужвирий инсонни Ҳақдан тўсадиган нафсга қаҳр қилишни эътироф этган.

Нафс, уни тарбиялаш, меъёрга солиш масаласи тасаввуф таълимотида инсоннинг маънавий оламида комиллик сари етакловчи кучлардан бири ҳисобланади. Инсоннинг ботинан хотиржамлиги нафсни тийиш, сабр-қаноат билан вужудга келади. Инсонни ғафлат, разолат ва бошқа ахлоқий тубанликлардан озод қиладиган бош асос нафсни жиловлаш, енгишдир. Шунинг учун ҳам ўрта аср манбаларида тасаввуфга берилган кўпгина таърифлардан бирида: «тасаввуф нафснинг барча истакларини ва завқларини тарк этмоқдир»² - деб таъкидланиши маълум даражада асослидир. Абулҳасан Хужвирий ҳам ўзининг «Кашф ул маҳжуб» асарида ушбу масалага жиддий эътибор қаратган. Мутасаввиф ушбу масалани дин аҳкомлари, иймон-этикод, ижтимоий ҳаёт воқеалари талаблари билан уйғунлаштирган ҳолда талқин қилган. Мутасаввифнинг таъкидлашича, инсоннинг руҳини тарбиялаш, унинг ички кечинмалари, ўз нафси ва ҳирсини тийиш орқали билинади. Чунки, инсон иллатларининг, маънавий тубанлашувининг манбаи нафсдир. Унга қарши курашиш ниҳоятда қийиндир. Хужвирий «Кашф ул маҳжуб»да қатор мутасаввифлар ва сўфий шайхларининг нафс ва унинг тарбияси, меъёри ҳақидаги кўплаб фикрларини келтирган. Жумладан, буюк ватандошимиз Ҳаким ат-Термизийнинг «нафс инсон тириклигидир ва ундан кутулиш ўлим билан баробар. Аллоҳни таниш учун ана шу ўлимдан устун чиқиш керак, ўзингни ҳеч нарсадан аямаслигинг лозим»³, деган мазмундаги фикрини келтиради.

«Тасаввуф нима?»- деган саволга шайх Нурий «тасаввуф нафсни тарк этиш ва нафс балосидан кутулишдир», - деб ҳисоблайди Зуннун Мисрий айтади: «Ҳижобларнинг энг кучлиси, бу нафсни кўриб, унинг тадбирига эргашишдир». Унга эргашиш Ҳақнинг ризосига муҳолифлик қилишдир. Ҳаққа муҳолиф бўлиш барча ҳижобларнинг бошидир»⁴. Хужвирий нафсга инсон борлигининг асоси, ўзига хос ҳижоб, яъни тўсиб турувчи парда сифатида қарайди. Нафс ҳақида гапирар экан, мутасаввиф инсон учун унга қарши туриш осон эмаслигига, нафснинг охир оқибатда инсонни ҳалокатга учратишига эътибор берган. Хужвирий нафсга руҳни булғайдиган феномен сифатида қараб, инсоннинг асосий вазифаси ўз нафсини таниши, маърифатга интилиши лозимлигини ва шу орқали ҳақиқатга эришиб, нафсдан кутулиш, ундан юз буриш мумкинлигини кўрсатган.

Тасаввуфда нафснинг тана эҳтиёжларидан бири эканлиги, у билиш ва уни меъёрга солиш, тарбиялаш масалаларига эътибор берилган. Абу Ҳомид Ғаззолий нафсни инсон танасининг эҳтиёжлари билан боғлаб тушунтирган ва тана эҳтиёжларига нафснинг моддий асоси сифатида қараб, «инсон учун энг буюк душман - нафсдир»⁵, - дея хулоса қилган. Тасаввуфшунос олим М.А.Жўшон «нафс инсоннинг моддий ўзлиги

¹ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббӣён». Фаридун Осӣбӣй Ишкӣй Зинжонӣй таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

² Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. - Тошкент: «Истиқлол», 1999. - Б.17

³ Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳажвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-маҳжуб. Қосим Ансорий нашри. Техрон: 1376 ҳ. - Б. 251

⁴ Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳажвирий ал-Ғазнавий. Кашф ул-маҳжуб. Қосим Ансорий нашри. Техрон: 1376 ҳ. - Б. 123

⁵ Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй, фарзанд. «Айюҳал валад» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 27.

«мен»лигидир. Бизнинг ботинимизда бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлигимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир»¹. Нафснинг мавжудлиги зарурат ва унинг истаклари табиийдир. Лекин уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан тозалаб туриш шарт. Чунки, унинг истаклари бажо этилаверса, ҳаддан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади². Ҳужвирийнинг фикрига кўра, «нафс ва руҳ иккови одамнинг қолипидаги латиф нарсалардир. Бу худди фаришталар ва шайтонлар олами каби ёки жаннат ва дўзах каби бири яхшилик ўрни бўлса, иккинчиси ёмонлик ўрнидир»³. Мутасаввиф, нафс орқали инсонда вужудга келадиган иллатларни иккига бўлинишини тушунтирган ҳолда барча мутасаввифлар шу позицияда эканликларини таъкидлаб ўтган. Жумладан, унинг «ҳаммалари унинг, (яъни нафснинг – З.Н.) ёмон хулқлар ва гуноҳ феълларнинг пайдо бўлишига сабабчи эканлигига муттафиқдирлар. Бу икки хилдир: гуноҳ ва ёмон хулқ. Буларга ҳасад, бахиллик, ғазаб, кин саклаш каби шариат ва ақлга мос келмайдиган нарсалар киради. Бас, киши бу сифатларни ўзидан даф қилмоқлик учун риёзат чекмоғи керакдир.

Ҳужвирий нафс моҳиятини очиш учун унинг сифатларидан бири бўлган ҳаво ва ҳавас тўғрисида ҳам фикр билдириб ўтган. Тасаввуфий луғатларда ҳаво ва ҳавасга орзу, майл, истак сифатида таъриф берилади. Тасаввуфий маънода эса ҳар турли ва ўткинчи орзуларни амалга оширмақ учун нафс ва ҳукм ўтказувчи, ақлнинг зидди бўлмиш майли табиийдир. Ҳаво - ёлғон даъво ишончи, кибр ва манманлик манбаи ва барча риёкорликларнинг сарбонидир, дея эътироф этилади. Тасаввуфда ҳаво ва ҳавасга тобелик Ҳақ ва ҳақиқат ишқининг сустиги ёки йўқлигидан юзага чиқади қабилдаги мулоҳаза илгари сурилади. «Кашф ул маҳжуб»да ҳавонинг моҳияти эса мана бундай изоҳланган: «Билгилки, бир жамоатга кўра, ҳаво нафснинг сифатларидан иборат эрур. Ўзга бир тоифа нуқтаи назарида, ҳаво нафснинг ҳокими ва мудаббири - уни идора қилувчи таъбнинг иродаси ва орзуси эрур». Ана шу кейинги қараш тасаввуф аҳли орасида кенг тарқалган. Шунинг учун кўп сўфий ва мутасаввифлар ҳамма ноқислик ва ёмонликларнинг таъмали, гуноҳ ва чиркинликларнинг ботиний замини нафс эмас, уни бошқарувчи ҳавою ҳавас, дея таъкидлаганлар. Сухравардий «Аворифул маъориф» асарида бундай деб ёзган: «Нафснинг орзуларга берилишида ўткинчи бир лаззат бордир. Нафс ҳаво ва ҳаваснинг ширин шарбатини ичгач, унга йўналар, ундан ҳузур олар...». Ҳужвирийнинг таснифи бўйича, ҳавонинг барчаси икки қисмдир: бири лаззат ва шаҳват ҳавоси; бошқаси – «халқ олдида эътибор ва мавқеда бўлиш ҳамда кўпчиликка раҳбарлик қилиш орзуси эрур».

Инсон борлиғи масаласидаги фикрлар таҳлилида, Ҳужвирий «Кашф ул маҳжуб»да ҳақимийлик тариқати ҳақида фикр юритганда инсон ва фаришта ўртасидаги фарққа изоҳ бериб, инсон табиати ва борлиғи ҳақида нозик ва ўзига хос аҳамиятга эга хулосаларни илгари сурган. Бу мутасаввифнинг инсон табиатига шаҳват аралаш эканлиги, унинг гуноҳ ишлар қилишга мойиллиги, моддий оламга боғлангани, инсон табиатида ҳирс ва ҳийла мавжудлиги, моҳиятида шайтоннинг ҳукмрон эканлиги, бир томчи теридан тортиб, қонигача шайтон васваса қилиши, инсон нафси тўхтовсиз тарзда барча ёмонлик, ёвузликларга ундаши ҳақидаги фикрларидир. «Яна шуни билгинки, - дейди, Ҳужвирий фаришталар Ҳақ таъолони танишда музтардирлар. Негаки, уларнинг хилқатида шаҳват йўқдир, қалбларида ҳирс офати йўқдир. Таъбларида ризқ ташвиши ва ҳийла йўқдир. Овқатлари тоатдир, ичимликлари фармонда қойим бўлмоқликдир. Одамнинг тийнатида эса шаҳват аралашгандир, маъсиятга мойиллик у билан ҳамроҳдир, дунё зийнати дилига таъсир қиладигандир ва ҳирсу ҳийла таъбида ёйилгандир. Шахсиятида шайтон салтанати шу қадарки, терлаган теридан тортиб, қонигача эгаллаган. Ва яна ёмонликларга даъват

¹ Жўшон. М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 1998. – Б. 13

² Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. - Тошкент: «Фан», 2005. - Б. 153

³ Абулҳасан Ҳужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббйён». Фаридун Осийбий Ишқий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 121

қилувчи нафс унга ўрнаштирилганки, барча ёмонликларга тўхтовсиз ундаб туради. Бас, киши вужудининг васфи шудир»¹.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан қуйидагича умумий хулоса қилиш ўринлидир:

Хужвирий антропологик қарашларининг мазмун-моҳиятига асосан инсон шаклан микроолам бўлсада, мазмунан Аллоҳ томонидан яратилган ва оламдаги бутун борликнинг кўринишларини ўзида жамлаган, икки жаҳоннинг нишонаси аён бўлган хилқатдир.

Хужвирий инсонни тана, руҳ ва нафс бирлигидан иборат мавжудот сифатида тушунган ва қуйидагича фикр билдирган: «Иттифоқ қилинган ҳар қандай нарса хилқатда ишончлироқ ва мукамалроқ бўлади. Бас, аҳли муҳаққиқлар наздида инсоннинг таркиби уч маъно билан мукамал бўлади. Биринчиси руҳ, иккинчиси нафс, учинчиси жасад. Ҳар бир айниятга бир сифат қойим бўлади: руҳга ақл, нафсга ҳаво, танага ҳис»².

Мутасаввифнинг қарашларига асосан, инсон маҳжуб – ҳижоб билан тўсилган махлуқотдир. Хужвирий қарашларида «райн» ва «ғайн» ҳижоблар масаласи мавжудки, инсоннинг бу ҳижобларни кашф этиши масаласи унинг антропологик қарашлари марказида туради.

Хужвирий инсон ва инсонга берилган турли таърифлар устида алоҳида тадқиқотлар олиб бориб, мазкур масалани диний, тасаввуфий, илмий томонларини ўзига хос тарзда таҳлил ва тадқиқ этган.

Хужвирийнинг «Кашф ул маҳжуб» асарида «инсон» категорияси юрак ва қалб масаласи таъсирида бир-биридан фарқли тарзда талқин этилган. Мутасаввиф таълимотига кўра юрак – моддий борлиқ сифатида, қалб эса маънавий ҳодиса сифатида таҳлил этилган ва кўриниши инсон бўлиб, юраги бору қалби покланмаганларни у ҳақиқий инсон сифатида эътироф этмаган.

Хужвирийнинг фикрича, инсоннинг борлигининг таъсирли қисмини нафс ташкил этади, унинг ҳолати инсонга бевосита таъсир кўрсатиб, залолатга элтувчи нафсга ружу қилиш инсонни тубанликка етакласа, уни жиловлаш юксакликка элтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Эй, фарзанд. «Айюҳал валад» асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 27.
2. Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. Муҳаббат, шавқ, унс ва ризо китоби. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 44.
3. Абулҳасан Али бин Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳажвирий ал Ғазнавий. Кашф ул-маҳжуб. Қосим Ансорий нашри. Техрон: 1376 ҳ. - Б. 251
4. Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббийён». Фаридун Осиёбий Ишқий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. 211-бет.
5. Азизиддин Насафий «Зубдат-ул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар қаймоғи). Нажмиддин Комилов таржимаси. - Тошкент: «Камалак», 1995. – Б. 55
6. Жўшон. М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. – Тошкент: Чўлпон, 1998. – Б. 13
7. Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. - Тошкент: «Фан», 2005. - Б. 153
8. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳижоб ва уни бартараф этиш хусусида / «Ҳожагон-Нақшбандия тариқатининг жаҳон цивилизация тарихида тугган ўрни» мазусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Бухоро: «Бухоро», 2018. - Б. 32-34
9. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. - Тошкент: «Истиқлол», 1999. - Б.17
10. Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. – Б. 46.

¹ Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббийён». Фаридун Осиёбий Ишқий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 147

² Абулҳасан Хужвирий. «Кашф ул маҳжуб». Техрон, «Теббийён». Фаридун Осиёбий Ишқий Зинжоний таҳрири остида. (А.А. Болтаев таржимаси), 2003. – Б. 122

11. Чориев А. Инсон фалсафаси. - Тошкент: «Ўзбекистон файласуфлари миллий нашриёти». 2007. – Б. 224
12. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент: «Мовароуннаҳр», 2004. - Б. 259-260.

АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ ЁХУД ИСЛОМ ДИНИНИ ЎРГАТУВЧИ МУАЛЛИМ Лобар Қобиловна АСРОРОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинаси катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) доцент.

Абу Ҳанифа асос солган ҳанафийлик мазҳаби VIII аср ўрталарида, унинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, ушбу асрнинг охирларида бошқа ўлкалар, жумладан, Мовароуннаҳрга ҳам етиб келган эди. Турли шаҳарлардаги ҳанафий марказларининг шаклланишига Ироқ ва Хуросон мактаблари салмоқли таъсир кўрсатди. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф.189/805 й.)нинг шогирди Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий (150/768-216-17/832) Бухоро мактабига асос солди.

Тўлиқ исми Аҳмад ибн Ҳафс ибн Забурқон ибн Абдуллоҳ ибн Бухорий бўлиб, дастлабки илмларни ўз юртида эгаллайди, сўнгра Бағдодга бориб, у ерда Абу Ҳанифа асхобининг кўпларини учратган, улардан Муҳаммад ибн Ҳасаннинг бир неча йил илмий мажлисларида бўлган, унинг “Мабсут” китобини кўчирган. У Имом Муҳаммаддан кейин энг кучли, энг ишончли, энг тақводор фақиҳ ҳисобланган. Бунга далил сифатида қуйидаги ривоятни келтириш мумкин: Абу Ҳафс билан бирга Имом Муҳаммаддан таҳсил олган Абу Сулаймон Жузжонийнинг таъкидлашича: “Устозим Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан: “Агар сиз вафот этсангиз илмни кимдан олайлик?”, дея сўрадим. Шунда устозим: “Ҳеч ким мендан илмни Абу Ҳафс Бухорийчалик ололмаган”, дедилар¹.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмуний (258/872-340/952) Абу Ҳафс ҳақида қуйидаги ривоятни келтиради: “Афлаҳ ибн Муҳаммад Абу Юсуфнинг мажлисида бўлган, ундан “Амолий”ни ёзиб олган, Аҳмад ибн Ҳафс эса Афлаҳ билан мажлисда Абу Юсуфнинг ҳузурига боришдан олдин бирга бўлган. Аҳмад ибн Ҳафс Абу Юсуфни умри охирлаган бир даврда учратди. Кейин Имом Муҳаммадга бориб, унинг китобларини эшитди ва унинг ҳузурда фикҳни ўрганди”. Демак, Абу Ҳафс Абу Ҳанифанинг мумтоз шогирдлари саналган Муҳаммад ва оз муддат бўлса-да, Абу Юсуфнинг ҳам мажлисида бўлган. Шамсиддин Заҳабийнинг хабар беришича, Вақиъ ибн Жарроҳ, Абу Усомалар ҳам унинг устози бўлишган.

Айтиш жоизки, Мовароуннаҳрда фикҳнинг ривожланишида Абу Юсуфдан кўра Имом Муҳаммаднинг қарашлари кўпроқ таъсир кўрсатган. Илм олиб ўз юртига қайтган Аҳмад ибн Ҳафс шу тариқа ҳанафий мазҳаби таълимотини биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга олиб келган шахс сифатида танилди ва Бухоро шаҳрини ҳанафийликнинг муҳим марказларидан бирига айлантирди. Абу Ҳафс Кабирнинг шогирдлари ҳанафийлик фикҳининг минтақада кенг ривожланишида ўз ҳиссаларини кўшишди. Улар ҳатто давлат идораларида нуфузли лавозимларда фаолият юритиб, бу мактабнинг ёрқин намоёндалари сифатида танилди.

Абу Ҳафс Кабир нафақат фикҳ соҳасида самарали ижод қилган, балки у ҳадис ва калом илмларининг ҳам етук билимдони саналади. VIII-X асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ ва бошқа минтақалардан етишиб чиққан ҳанафий муҳаддислари ва фақиҳларининг фаолиятлари ҳақида Абдуллоҳ Субазмуний ўзининг “Кашфу-л-осор” асарида қимматли маълумотлар келтирган. Жумладан, асарда Абу Ҳафс Кабир ва унинг авлодлари Бухородан чиққан илк ҳанафий муҳаддислари қаторида зикр этилган. У Асад ибн Амр, Абу Яҳё Ҳимоний, Яҳё ибн Закарийё ибн Абу Зоида, Исо ибн Юнус, Муҳаммад

¹ Аҳмад ибн Маҳмуд. Мозороти Бухоро. Қўлёзма. – В. 9^а. Мазкур китоб ҳошиясида ёзилишича, ушбу ривоят Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фаслу-л-хитоб” асари ҳошиясида ҳам китоб томонидан қайд этилган.

МУНДАРИЖА

	Аннотация.	3
Зарипов Б.К.	Табрик сўз.	4
Ҳамидов О.Х.	Абу Ҳафс Кабир Мовароуннаҳр уламоларининг устози.	5
Timur Kocaoglu	Илмий-амалий анжуманимиз меҳмонлари	6
Воҳидод Ш.Ҳ.	Ижтимоий гуманитар фанларнинг инновацион-интерактив усуллари.	7
Вильданова Г.Б.	Религиозно-философский взгляд на социальную работу.	9
الدكتور. عبید محمد عبد الحليم عبد الجواد	جامعة القاهرة الدكتور. بابر نمازوفف. جامعة بخاري ملخص البحث :	14
Dr. AKHLAQUE A.A.	Naqshbandi Silsila In Timurid India	19
ASLI Orunbayev	Ittifoq va taraqqiyot tashkilotning asos va siyosiy tuzilishi	22
Иноятов С.	Бухоро жаҳон ислом олами маданияти ўчоқларидан биридир: тарих ва бугун	26
Ҳайитов Ш.А.	Саудия Арабистонидаги “Бухорий”ларнинг маънавий мероси ҳақида айрим мулоҳазалар	30
Олимов С. Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий таваллуд тўйини ўтказайлик.	32
Наврўзова Г.Н.	Бухоро тасаввуфшунослик мактабининг асосчиси	37
Холмуминов Д.М.	Сравнительное суфиеведение – как методология по изучению истории и философии суфизма	43
Альмеев Р.В.	Святые места Бухары: мазар Хазрата Ходжа Мухаммада Порсо в Бухаре и его вклад в мировой успех духовного братства Накшбандийа	49
Тўхсанов Қ.Р.	Муҳаммад Исҳоқ Шавкат Бухорий	54
Хандамова М.А.	Абу Райҳон Берунийнинг маърифатли жамият ҳақидаги ғоялари.	59
Саломова Ҳ.Ю.	Фалсафа ва социология тарихига улкан ҳисса қўшган олим	62
Саломова Ҳ.Ю.	Ибн Сино ва уларнинг сеvimли устозлари	64
Каримов С.	Шарқ ренессансининг тасаввуфий илдизлари	71
Джураев Ҳ.Х.	Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Ал-Бухорий қадамжоси тарихи: кеча ва бугун	76
Нарзиев З.И.	Абулҳасан Ҳужвирий қарашларида тасаввуф антропологияси ва инсон борлиги муаммолари	79
Асророва Л.Қ.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ёхуд ислом динини ўргатувчи муаллим.	89
Иноятов А.Х.	Буюк устоз ва буюк шогирд.	93
Намозов Б.Б.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий ҳақида баъзи мулоҳазалар	95
Раҳимов К.	Абу Ҳафс Кабир Бухорий – Мовароуннаҳр фақиҳи ва Бухорони “қуббат ул-ислом” этган аллома.	99
Баротовна М.Н.	Святые места поклонения Бухары (мазар Хазрати Имам).	108
Қаюмова А.Т.	Ибн Халдуннинг илмий - фалсафий қарашлари.	110
Джураев Ҳ.Х., Хайруллоев С.Ҳ.	Бухоро ва Самарқанда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи ва қоғоз ҳақида улуғларнинг пурҳикмат сўзлари.	113
Мирзақулов Б.Т.	Бухорий мутафаккир олимлар.	116
Зойиров Э.Х.	Яъкуби Чархий рисоалар таснифи.	119
Қиличев Р.Э.	Исломда қулчилик ва қулга муносабат.	122
Бобожонов Ш.У.	Бухоро воҳасидаги шифобахшлик хусусиятига эга зиёратгоҳлар.	125
Султонова С.Ю.	Диннинг умуминсоний қадрият сифатидаги ўрни.	127
Хўжанова Т.Ж.	Миллий қадриятларнинг ёшлар тарбиясида тутган ўрни	129
Хўжанова Т.Ж.	Ёшлар тарбиясида Имом ал-Бухорий ҳадисларининг ўрни.	135
Болтаев А.А.	Ибн Арабийнинг “Рисолаи вужудия” асарида борлиқнинг моҳияти тўғрисида.	141
Шарипова О.Т.	Абдухолик Ғиждувоний рубойларида тасаввуф мақомлари ва хожагон тасаввуфий тариқатида интуитив билиш ҳақида	145
Жалолов О.О.	Роль рекламы в развитии деятельности туристических организаций	150